

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

14 ИЛ ЧИКИШИ

№ 205 (3687)

17
ОКТАБРЬ
СЕШАНБА

1967 ИЛ

Баҳоси 2 тийин.

Яшасин жаҳон тарихида
янги даврни—жаҳонни револю-
цион тарзда ялписига янгилаш,
капитализмдан социализмга
ўтиш даврини очиб берган
Улуғ Октябрь!

УЛУҒ ОКТАБРЬ СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ЧАҚИРИҚЛАРИ

1. Яшасин Улуғ Октябрь социалистик революциясининг шонли 50 йиллиги!
2. Яшасин жаҳон тарихида янги даврни—жаҳонни революцион тарзда ялписига янгилаш, капитализмдан социализмга ўтиш даврини очиб берган Улуғ Октябрь!
3. Яшасин мамлакатимиз халқларини капиталистик асорат ва миллий зулмдан абадий озод қилган Улуғ Октябрь!
4. Яшасин меҳнаткашларга буюк социал саодат—меҳнат қилиш, билим олиш, дам олиш, соғлиқни муҳофаза қилиш, кексаликда таъминот олиш, фаровонлиқни тўхтовсиз ўстириш ҳуқуқини берган Октябрь революцияси!
5. Яшасин Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғоявий байроғи, синфий ва миллий зулмга қарши, социализм ва коммунизм ғалабаси учун курашда барча мамлакатлар меҳнаткашларининг йўлчи юлдузи — марксизм-ленинизм!
6. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг илҳомчиси ва ташкилотчиси, Коммунистик партиянинг йўлбошчиси, жаҳонда биринчи ишчи ва деҳқонлар давлатининг раҳбари Владимир Ильич Лениннинг номи абадий яшасин!
7. Коммунизмнинг шавкатли бинокори, меҳнаткашларнинг озодлиги, тинчлиги ва бахт-саодати учун мардонавор курашчи — улуғ совет халқига шон-шарафлар!
8. Ленинчи болшевикларнинг, Октябрь ва гражданлар уруши қаҳрамонларининг, социализм ғалабаси учун довурак курашчиларнинг мислсиз жасорати халқ хотирасида абадий яшасин!
9. Ёш Советлар республикасини қўллаб-қувватлаш учун кураш байроғини баланд кўтарган, Қизил Армия сафларида туриб, интервентлар ва октябричилар ғалабасига қарши қаҳрамонона жанг қилган синфдош қардошларга, чет мамлакатларнинг интернационалистларига шон-шарафлар!
10. Улуғ Ватан урушида қатнашган қаҳрамон совет жангчиларига, партизанларга ва подпольечиларга шон-шарафлар!
11. Революция ғалабаси учун, Ватанимиз озодлиги ва мустақиллиги учун жонини фидо қилган қаҳрамонлар хотираси абадий яшайди!
12. Биринчи беш йилликларнинг бинокорларига—мамлакатини индустриалаштириш ва қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш учун мардонавор курашчиларга шон-шарафлар!
13. Яшасин СССРда коммунизм куриш учун курашдаги илгор ва етакчи бунёдкор куч—Советлар мамлакатининг қаҳрамон ишчилар синфи!
14. Яшасин коммунизмнинг актив қурувчиси — қаҳрамон колхозчи деҳқонлар!
15. Совет социалистик давлатининг бузилмас негизи бўлган ишчилар синфи билан колхозчи деҳқонларнинг иттифоқи мустаҳкамланаверсин ва яшайверсин!
16. Яшасин мамлакатимизда коммунистик жамият қурилишининг актив иштирокчиси—шонли совет зиялилари!
17. Яшасин ғойибона пролетар революциясининг йўлбошчиси, мамлакатимизда коммунизм қурилишининг илҳомчиси ва ташкилотчиси—Совет Иттифоқи ленинчи Коммунистик партияси!
18. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Коммунистик партиянинг ленинча байроғи остида янада маҳкам жипслашгиниз!
- Яшасин партия билан халқнинг буюк ва бузилмас бирлиги!
19. Яшасин Улуғ Октябрь вужудга келтирган жонажон кўп миллатли Совет социалистик давлатини!
20. Яшасин ҳокимиятнинг чинакам халқ органлари бўлган меҳнаткашлар депутатлари Советлари!
- Совет социалистик демократияси ривожланиб, мустаҳкамланаверсин, мамлакат ишларини бошқаришда меҳнаткашларнинг активлиги ўсаверсин!
21. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг буюк ғалабаси — СССР халқларининг қардошларча дўстлиги ва бузилмас бирлиги абадий яшасин ва яшайверсин!
22. Яшасин бошқариш ва хўжалик юритиш мактаби, коммунизм мактаби бўлган совет касаба союзлари!
23. Яшасин коммунистик жамиятнинг актив қурувчилари бўлган совет хотин-қизлари!

24. Яшасин Коммунистик партиянинг содиқ ёрдамчиси ва резерви, коммунизм қурувчи ёшларнинг илгор отряди—Ленин комсомоли!
25. Ингит ва қизлар! Улуғ Октябрь революцион традицияларининг садоқатли давом эттирувчилари бўлингиз! Коммунистик идеалларнинг тантанаси учун курашингиз!
26. Пионерлар ва мактаб ўқувчилари! Яхши ўқингиз, меҳнатни севингиз ва ҳурмат қилингиз! Ленин иши учун, коммунизм учун актив курашчилар бўлишга тайёрланингиз!
27. Яшасин ғалабалар билан шуҳрат қозongan, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабаларини, социализм ғалабаларини қўриқлаб турган шавкатли совет Куролли Кучлари!
28. Совет Иттифоқи халқлари! Коммунизм қуриш — бизнинг ватанпарварлик ва интернационал бурчимиз! Бутун куч-гайратимизни коммунистик қурилишнинг партия Программаси ва КПСС XXIII съезди белгилаб берган вазифаларни муваффақиятли бажаришга сафарбар қилайлик!
29. Улуғ Октябрнинг эллик йиллиги шарафига ўтказилаётган социалистик мусобақада ғойиб чиққан илгор коллективларга пион-шарафлар! Беш йиллик план топириқларини муваффақиятли бажариш учун кураш байроғини баланд кўтарайлик!
- Коммунистик меҳнат зарбдорлари ва коллективларига қизгин салом!
30. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Халқнинг моддий ва маданий турмуш даражасини янада юксалтириш негизи бўлган халқ хўжалигини муттасил ривожлантириш учун курашингиз!
31. Саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа ишчилари, инженер ва техниклари! Социализмнинг афзалликлари ва имкониятларидан тўла-роқ фойдаланингиз! Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини оширишга эришингиз!
32. Колхозчилар, совхоз ходимлари, қишлоқ хўжалиги мутахассислари! Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг юксак ва барқарор суръатларига эришингиз! Колхоз ва совхоз ишлаб чиқаришининг самарадорлигини ошириш учун курашингиз!
33. Манший хизмат ва савдо-сотиқ ходимлари! Аҳолига хизмат кўрсатиш ишлари сифати ва маданиятини бутун чоралар билан оширингиз, совет кишиларининг эҳтиёжларини тўла ва яхши қондирингиз!
34. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Меҳнатга ва жамоат мулкига коммунистик муносабатда бўлиш, социалистик интизом ва уюшқонлиқни мустаҳкамлаш учун сабот билан курашингиз!
35. Ишчилар, инженер ва техниклар, қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари! Янги ижтимоий тузум—коммунизмнинг ғалабаси учун энг муҳим, энг асосий нарса бўлган меҳнат унумдорлигини тинмай оширингиз!
36. Ишчилар, инженерлар ва техниклар! Маҳсулот сифатини бутун чоралар билан оширингиз, маҳсулот таннарини зўр бериб камайитирингиз!
37. Ишчилар, инженерлар ва техниклар, қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари! Ишлаб чиқаришни комплекс механизациялаш ва автоматлаштиришни амалга оширингиз! Меҳнатни илмий асосда ташкил этишни, фан, техниканинг энг янги ютуқларини ва илгор тажрибани халқ хўжалигига сабот билан жорий қилингиз!
38. Фан ва техника арбоблари! Ватанимизда фан-техника тараққиётини жадаллаштириш учун, фани янада равиқ топтириш учун актив кураш олиб бориңиз!
- Яшасин Улуғ Октябрнинг самараси—илгор совет фани!
39. Адабиёт ва санъат арбоблари! Совет санъатининг партиявийлиги, халқчилиги, ғоявийлиги байроғини баланд кўтариб бориңиз,

- ўз бадий маҳоратингизни такомиллаштирингиз, бутун куч ва қобилиятингизни коммунизм қурувчиларни сиёсий, ахлоқий, эстетик тарбиялашга сарф қилингиз!
40. Маориф ва маданият ходимлари! Халқ маорифини такомиллаштирингиз, маданиятни омма орасига кенг ёйингиз! Ёш авлодни меҳнатсеварлик, коллективчилик, коммунизм ишига садоқат руҳида тарбиялангиз!
41. Ишчилар синфи ва барча меҳнаткашларнинг жанговар авангарди, ер юзида инсониятнинг асл орзу-тилагига бўлган коммунизмни қарор топтириш учун мард курашчиларга—коммунистик ва ишчи партияларга алангали қардошлик салом!
42. Халқаро коммунистик ҳаракатнинг марксизм-ленинизм ва пролетар интернационали асосидаги бирлиги ва жипслиги мустаҳкамланаверсин!
43. Социализм қўраётган социалистик мамлакатларнинг халқларига қардошлик салом!
44. Яшасин Октябрь улуғ ишининг тантанаси, халқаро ишчилар синфининг тарихий ғалабаси бўлган жаҳон социалистик системаси! Социализм мамлакатларининг жипслиги, қардошларча дўстлиги ва бирлиги мустаҳкамланаверсин!
45. Капиталистик мамлакатларнинг монополистик капиталга қарши, меҳнаткашларнинг сиёсий ва социал-иқтисодий ҳуқуқлари учун, социалистик идеалларнинг тантанаси учун сабот билан курашаётган ишчилар синфига қардошлик салом!
46. Халқларнинг империализмга қарши, озодлик, миллий мустақиллик учун, тинчлик ва социализм тантанаси учун курашда муваффақият қозонинг гарови бўлган социализм ва миллий озодлик ҳаракати кучларининг иттифоқи яшасин ва мустаҳкамланаверсин!
47. Яшасин социалистик мамлакатлар ва замонимиз барча антиимпериалистик кучларининг жанговар иттифоқи!
48. Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!
49. Империализмга қарши, мустақиллигини мустаҳкамлаш учун, социал тараққиётнинг прогрессив йўли учун курашаётган ёш миллий давлатларнинг халқларига оташин салом!
50. Империализм ва ирқчиликка қарши, ўз озодлиги ва миллий мустақиллиги учун қаҳрамонона курашаётган мустамлака ва қарам мамлакатларнинг халқларига оташин салом!
51. Жаҳон халқлари! Милитаризм ва фашизмга қарши, империалистик агрессорларга қарши курашни кучайтирингиз!
52. Америка империализмининг агрессиясига қарши қаҳрамонона кураш олиб бораётган мард Вьетнам халқига қардошлик салом!
- Яшасин курашаётган Вьетнам билан халқаро бирдамлик! Америкалик агрессорларга лаянат!
53. Империализм ҳамласига қарши, Исроил агрессиясининг оқибатларини батамом тутатиш учун курашаётган араб мамлакатлари халқлари билан Совет халқининг бирдамлиги мустаҳкамланиб, ривожланаверсин!
54. Яшасин Совет Иттифоқининг ленинча ташқи сиёсати—тинчлик ва халқлар дўстлиги сиёсати, реакция ва урушга қарши курашда барча антиимпериалистик тинчликсевар кучларни жипслаштириш сиёсати!
55. Яшасин мамлакатимиз халқлари дўстлиги ва бахт-саодатининг мустаҳкам қалъаси, тинчлик ва тараққиётнинг забордаст таянчи Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи!
56. Марксизм-ленинизм байроғи остида, Коммунистик партия раҳбарлигида мамлакатимизда коммунизм тантанаси учун курашда янгида-янги ғалабалар сари олга!
57. Яшасин инсониятнинг порлоқ истиқболи—коммунизм!

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети

ҚАҲРАМОНЛАР ШУҲРАТИ АБАДИЙ ЯШАЙДИ

МАМАЕВ КУРГАНДА ЁДГОРЛИК—АНСАМБЛЬ ОЧИЛДИ

Волгоградда, афсонавий Мамаев курганда 15 октябрда Сталинград жанги қаҳрамонларининг ёдгорлик-ансамбли очилди.

Шаҳар бу ювкени тантанали иш-шоиларда. Магистраллар қизил байроқлар билан, Волга истеҳком учун олиб борилган жангчиларнинг кўринишларини ас эттирувчи паннолар билан яратилган эди.

Халок бўлган жангчилар майдо-ни байрам тусида безатилган Цириниц ва Сталинград ҳимоятчиларининг ўртоқлар мазори олдида чошгоҳ пайт юзлаб меҳнаткашлар тўпланишди. Солдатлар ва офицерлар саф тортиб турди. Мотам оҳанглари лигирмоқда.

Майдонда тўпланганлар бир минут сукут қилиб қаҳрамонлар хотирасини ҳурматлашди. Абодий гулхан олдида комсомоллар навбатма-навбат фахрий қоровулликда турди.

Шаҳар ижроия комитетининг раиси И. М. Королёв, бутун қаҳрамон шахар ҳаётида жоний кўи эналанини айтди. И. М. Королёв Сталинград жангининг қатъиҳисси, икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони В. С. Ефремовга абадий шуҳрат гулханидан маънавий ёндириб олиб, уни Мамаев курганга олиб боришни топишди.

Маҳдур жангчи маънавий ёндириб олиб, уни бронетранспортер олдида олиб борди, у бронетранспортер фахрий эскорти ҳамроҳли-

гида Тинчлик кўчаси ва Ленин проспектидан ўтиб, Мамаев курган томон йўл олди. Турт километрга қўзилган бутун шу йўл лаомида фахрий ҳарбий қоровул, минглаб меҳнаткашлар саф тортиб турди.

Мамаев курганда қурилган ёдгорлик — жуда катта ишоот. Бу архитектура-ҳайкалтарошлиқ ансамбли совет халқининг, Улуғ Ватан уруши йилларида совет халқи армиясининг Сталинград ёсағаларида эришган ғалабасини муносиб ас эттириб турибди.

Кортеж ёдгорлиқнинг марказий зинаси олдида тўхтади. Икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони В. С. Ефремов маънавий кўтариб олиб, шу кенг зинадан ёдгорлик—ансамблга уни олиб борди. Қаҳрамон шахар, меҳнаткаш шахар, солдат шахар тўғрисида хикоя қилган либретоннинг овози радио карионаларидан эшитилиб турибди. Бу шахарнинг ҳаёти билан алоқадор омулчи унутилмас воқеалар бўлган эмас! Маана шу ерда Қизил армия ва Цириниц революцион пролетариатининг отрядлари октябричиларнинг ғалабаларини тор-мор келтирганлар. Шу жойда, Волга бўйида индустриямининг тўғичи — Сталинград трактор заводи қурилган. Бундан торак

аср муқаддам Сталинград бўсағасида шавкатли Қизил армия жангчилари фашист Виртгичининг белини синдириганлар.

Маънавий пантеоннинг ҳарбий шуҳрат залига олиб кирилди. Дон-ра шаклида қурилган пантеон ёлпос ёдгорлик — ансамбль элементларидан бири бўлиб, унинг зали деворларига халок бўлган минглаб қаҳрамонларнинг номлари қайд қилинган.

Қаҳрамонлар майдонида тантанали митинг бошланди. Минбарда — Л. И. Брежнев, А. Н. Косигин, Н. В. Подгорний ўртоқлар, СССР Мудофаа министри, Совет Иттифоқи Маршали А. А. Гречко, СССР Муродаа министрининг биринчи ўринбосари, Совет Иттифо-

қи Маршали И. И. Якубовский, Совет армияси ва ҳарбий Денгиз флотини бош сиёсий бошқармасининг бошчилиги, армия генерали А. А. Епишев, СССР Мудофаа министрининг ўринбосари, Совет Иттифоқи Маршали И. Х. Баграмян, К. С. Москаленко ва бошқа саркардалар, Сталинград жангининг қатнашчилари, Волгоград ва област партия ва совет ташкилотларининг раҳбарлари, қаҳрамон шахарларнинг делегациялари туришди.

Митингнинг Волгоград облати партия комитетининг биринчи секретари Л. С. Куличенко оиди. Сўнгра СССР Мудофаа министри Совет Иттифоқи Маршали А. А. Гречко, «Красный октябрь» заво-

дининг мастери, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. И. Серков, «Пролетарий» совхозининг комбайнчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. К. Архипов, Сталинград фронтининг совиқ кўмондони, Совет Иттифоқи Маршали В. И. Чуйков, Сталинград уруши олиб борилган жангларнинг қатнашчиси, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Я. Ф. Павлов, политика институтининг студенти Л. М. Киришина нутқ сўзладилар.

Митингда тўпланганлар томонидан қизгин нутб олдинга КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев нутқ сўзладиди.

айланмоқда, баъзан эса маана шундай ўт денгизида одамнинг бардош бериб тирик қолиши мумкин бўлмайди, бир ҳолдек бўлиб кўриларди.

Уша жангларнинг охирида бу ерда, Мамаев курганда, ердан кўра металл кўпайиб кетди, деса бўларди. Энди маана шу ерда биз ҳаммамиз халқимизнинг нақадар забордаст бўлганининг, руҳи тушмай, ғалаба қилишга гумон сирамай бошдан кечирган ҳамма нараларини ўйлаб турибмиз.

Сталинград ғалабаси шунчаки ғалаба бўлгани йўқ, бу ғалаба тарихий шикоят бўлди. Қандай қийинчиликлар орасида, қандай вазиятда талабга яроқлиликнинг батамом кўз олдида келтирилганлигига маана шундай шикоят чинакам ҳаққоний баҳо беришимиз мумкин.

Уша кунлардаги вазият жуда даҳшатли эди.

Қаҳрамон Ленинград хали боқадан қўтила олмаган эди. Душман хали ҳам Москвадан 170 километр нарида турар эди. Гитлерчилар Кавказ тоғ этакларига бостириб кирган эдилар. 20 августда улар Волга томон ериб ўтишди, бу ҳол маана шу ерда бўлган эди, ҳозир Волга гидроэлектростанциясининг тўғони қад кўта-

ЎРТОҚ А. И. БРЕЖНЕВ НУТҚИ

Азиз ўртоқлар ва дўстлар!

Советлар мамлакатини тез орада жуда зўр жанг бошланди кетди. Бу ерда совет Ватанимизга ўт таърихидангиз анг отир синовлардан бирига бардош беришга тўғри келди.

Уша вақтда нимаалар бўлганлигини бир дақиқа кўз олдимизга келтирайлик. Азим шахарнинг урушининг кейинги бутун боришига буржисб турган вайронларидида ҳаёт-момот жанги бормоқда эди. Деворлар қуламоқда, Волга сувига ёйилган нефть ловулламоқда эди. Шунинг ҳужум қилаётган самолётларнинг қинқириши танқларнинг гинжиллашига қўшилиб кетмоқда, минг-минглаб портлашлар бирига қўшилиб, зўр гумбурашлар

буржисб турган вайронларидида ҳаёт-момот жанги бормоқда эди. Деворлар қуламоқда, Волга сувига ёйилган нефть ловулламоқда эди. Шунинг ҳужум қилаётган самолётларнинг қинқириши танқларнинг гинжиллашига қўшилиб кетмоқда, минг-минглаб портлашлар бирига қўшилиб, зўр гумбурашлар

буржисб турган вайронларидида ҳаёт-момот жанги бормоқда эди. Деворлар қуламоқда, Волга сувига ёйилган нефть ловулламоқда эди. Шунинг ҳужум қилаётган самолётларнинг қинқириши танқларнинг гинжиллашига қўшилиб кетмоқда, минг-минглаб портлашлар бирига қўшилиб, зўр гумбурашлар

буржисб турган вайронларидида ҳаёт-момот жанги бормоқда эди. Деворлар қуламоқда, Волга сувига ёйилган нефть ловулламоқда эди. Шунинг ҳужум қилаётган самолётларнинг қинқириши танқларнинг гинжиллашига қўшилиб кетмоқда, минг-минглаб портлашлар бирига қўшилиб, зўр гумбурашлар

(Охири 2-бетда).

ҚАҲРАМОНЛАР ШУҲРАТИ АБАДИЙ ЯШАЙДИ

(Боши 1-бетда).

«Павлов уйи» деганимизда бизнинг кўз олдимизга фашистлар ўта олмайдиган чинакам кўрғонларга айланган юзлаб уйлар пайдо бўлгандай туйилади.

«Ленин» ороли деганимизда, Сталинград еридаги бошқа уйлар ороллари, энг машаққатли кунларда солдатларимиз ва офицерларимизнинг мардони билан ушланган турган уйлар ороллари эса тупиригимиз.

Сталинград ҳимоячилари деганимизда фақат солдатларгина ҳаёлимизга келмайди, шу билан бирга дўд каби ётиб турган бомбалар остида оқиллар ва танк ўта олмайдиган қазилган жарлар, Сталинград заводларида ўт остида туриб охириги имкониятига, охириги дақиқагача ишлаб турган кишиларини ҳам ўйлаймиз.

Галаба деганимизда уни жангларда қўлга киритган кишиларнинг ҳаммасини эслаймиз. Бу галаба — ўзининг ленинчи Коммунист партияси раҳбарлигида ку-

рашган буюк совет халқининг галабаси бўлди. Бу галаба — совет ҳарбий санъатининг галабаси бўлди.

Атоқли саркардалар А. Н. Василевский, М. Ф. Ватутин, Н. Н. Воронов, А. И. Еременко, Г. К. Жуков, Р. Я. Малиновский, К. К. Рокоссовский, В. И. Чуйков, М. С. Шумилов ва бошқа ўртоқлар олий бош қўмондонлик раҳбарлигида бу галабага катта ҳисса қўшди. Бу галаба корпуслар, дивизиялар, полклар, батальонлар, роталар ва батареялар командири лари жанговар маҳоратининг галабаси бўлди. Бу галаба партия-миз юксак жанговар руҳининг галабаси бўлди. Бунинг учун армия партия ташкилотлари, ҳарбий советларнинг аъзолари, сиёсий органо-ларнинг бошлиқлари, фидокор сиёсий ходимларимиз ҳам нақадар кўп иш қилганларини биламиз. Ана шулар — генераллар, офицерлар, солдатлар Сталинград-да жанг қилиб, энг ичкилар ва зафар байроғимизни бундан ҳам нарига, Ватанимиз чегараларига қадар, озо-д қилинган Европа пой-

тахтларига қадар, мағлубиятга учратилган фашистлар Берлинга қадар кўтариб бордилар.

Ўртоқлар! Тарихнинг ҳал қилувчи бурлишларида бизнинг мамла-катимиз ўз озодлигини қаттиқ ту-риб ҳимоя қилиш билан бирга бошқа халқларни қўллаган кутқа-риб қолганлиги неча марта ба-ланиб ўтган. Бундан чорак аср муқаддам ҳам шундай бўлди, ўшанда Совет Армияси инсоний-ни ҳеч қачон мисли бўлмаган да-хшати энг катта ҳафдан, қора-фашизм офатидан ўзининг мис-ли мардлиги билан кутқариб қол-ди. Ҳозир биз шундай шаҳарда турибмизки, мана шу жангшумул тарихий шижоатининг раман бўлиб қолди мана шу шаҳарга насиб бўлди.

Бутун дунё Болгада бўлаётган жангини нафас олмай кузатиб тур-ди. Вашингтонда ва Лондонда, Па-рижда ва Белградда, Берлинда ва Римда — ҳамма жойда одамлар урушнинг тақдирини шу ерда ҳал бўлаётганини ҳис қилиб, ту-шуниб турди. Бу бизнинг душман-ларимизга ҳам, иттифоқчиларимиз-

га ҳам аён эди. АҚШ президенти Рузвельт Сталинград қаҳрамонла-рининг шижоатига баҳо бериб, ўша кунларда ёзган мақолада: «улар-нинг шонли галабаси босқинлар-тўқинини тўхтатиб қолди ва итти-фоқчи миллатларнинг агрессия куч-ларига қарши олиб бораётган уру-шда бурилиш нуқтасига айлан-ди» деган эди.

Мана шу жангда гитлерчилар-нинг сара қўшинлари гажик та-шланбигина қолмади. Бу жангда фашизмнинг ҳужумкорлик гайрати тутди, унинг маънавий руҳи син-дирилди. Фашистлар босқинчи-емирчилик бошладилар. 1943 йил-нинг февралда Гитлер расмий ра-вишда ўзлон қилган умумдават-мотами кўнрокларининг жанг-лаши ҳатто нацистлар пропаганда-си гажиктеб қўйган одамларга ма-ғлубият хабар беришга дарак бў-либ эшитилди. Фашистлар Герма-ниянинг мотам кунини жаҳондаги барча антифашистлар учун, шу жумладан немис антифашистлари учун ҳам умид кунига айланди. Гитлерчи босқинчилар олдида бош-агмаганларнинг кучига-куч қўшил-ди. «Сталинград» деган сўз били-соли қаршилик паролли бўлиб, га-лаба паролли бўлиб оғиздан-оғизга ўтаверди.

Болгадаги жангдан кейин уруш-яна икки йилдан кўпроқ давом-этди. Хали кўп нарсаларга бардош-бериш ва кўпгина ишлар қилиш-керак эди. Ленин воқеаларининг қай тарзда бориши маълум бўлиб-қолган эди. Кейинги жанглар им-перализм зарбдор кучларининг тор-мор келтиришсининг натижаси-етказди. Совет халқининг Улуғ-Ватан урушидаги галабаси соци-ализм кучларининг имперализм-камурига нисбатан устунлигини на-моён қилди, лавримизнинг аён-нишонлари бўлган жуда катта со-циал ва сиёсий ўзгаришларга йўл очиб берди.

Ўртоқлар! Мана бутун, тарихий-жангдан сўнг чорак аср ўтгач, барча совет кишилари, халқлар-озодлиги учун фашизмга қарши-курашганларнинг ҳаммаси ўзлари-нинг кўзлари ва қалблари билан-Болга бўйидаги афсонавий шаҳар-га яна тикилиб турибдилар. Ўл-мас шухрат чўққисига кўтарилган-ер галабамиз бунёдкорларига ул-ғур ёдгорлик қўйилган жой бўлиб-қолдики, ҳақиқатан ҳам бунга-унинг ҳақки бор.

Бул монумент — ўзларининг бар-дамликлар, фидокорона мардлик-лари, ўз қонлари билан галабаси-қўлга киритган совет мамлака-ти қаҳрамон ўғил ва қизларига бўл-ган тасанининг ифодасидир.

Улар шу жойда, мана шу ерда-тақдирининг боришини бунди-юбор-ди, уни эъланлаган эдик, қилин-ган озодликка, ўлимдан ҳаётга бо-ришига мажбур эдилар.

Инсоният ўзларини «Сталинград-лик қаҳрамонлар» деб ҳамиша э-слайди. Ленин улар бу ерда мамла-катнинг ҳамма томондан келган-адилар, бутун мамлакат ҳам улар-га мададкор бўлиб турган эди.

Ватанинги қақирғи билан совет-ки-шилари ўз халқимизнинг озодлиги-ва мусулсини ҳимоя қилмоқ, Улуғ-Октябрь галабаларини сақлаб қо-лмоқ учун бу ерда келишган эди. Россия ва Украинанинг, Белору-ссия ва Болтн бўйи республикала-

рининг, Кавказ ва Сибирнинг, Қозо-ғистон ва Ўрта Осиёнинг фарзанд-лари Сталинград оқоларида ел-кама-елка бўлиб турмаганларид-эди, Сталинград галабаси бўлмас-эди.

Урал ва Сибирнинг заводлари-кечаю-кундуз ишлаб турмагани-да эди, колхоз даладарининг ме-ҳнатчилари сирдан қараганда се-зилмас бўлиб кўринган ўз шижо-атларини кун сайин қилиб турма-ганларид эди Сталинград галаба-си бўлмас эди.

Сталинград қаҳрамонлари ўз-бурчиларини шараф билан бажа-ришлари учун ватан ҳамма чора-ларини кўрди.

Уша жуда эфр жанг қатнашчи-ларидан кўплари бутун мана шу-ерда турибди. Уша жанг қатнаш-чиларидан кўплари бу ерда олсид-турибдилар. Ленин улар қаер-да бўлмасинлар, бошқа қаҳрамон-шаҳарларнинг — Москва, Ленин-град, Севастополь, Одесса, Киев, Брест қалъасининг ҳимоячилари, ўтган урушдаги жангларнинг ҳам-ма қатнашчилари биз билан бир-га бўлгани наби улар ҳам биз-дан биргиларид. Буюк галабага-бағишланган монумент тантанали-очилётган соатда Совет Иттифо-қи Коммунист партияси Марка-зий Комитети, СССР Олий Совети-Президиуми, Совет ҳукумати ўша-даҳшатли йилларда ватанин ҳимоя-қилган кишиларнинг ҳаммасига қизгин салом қўйлайдилар.

Бу монумент бизнинг ёнимизга-энди қайтиб келолмайдиганлар-хотирасини эъзозлаш белгисидир. Улар бақувват, куч-гайратга тўл-ган, ҳўшқақча совет кишилари-эди. Улар кўп эди — ўн минглаб, юз минглаб ҳисобланарди. Улар-галабани қўлга киритмоқ учун-ҳамма нарсани: охири нафасига-бўлган ўз ҳаётларини, милтиқни-маҳкам ушлаб турган қўлларининг-охири ҳаракатига бўлган бутун-кучларини сарфлайдилар.

Болга соҳилларида ҳалок бўл-ган мар-малдонларнинг бева бўл-ган хотинлари ва етим қолган бо-лалари, уларнинг оталари ва она-лари, ака-укалари ва ола-синил-лари қайтмас жуздорлик аламининг-ханузгача дилларига сақлаб кела-ётганликларини биламиз. Улар-нинг гажига бутун мамлакат ше-ри, ҳалок бўлган қаҳрамонлар-нинг хотираси келажик алодлар-нинг ҳам қалбига абадий яшайди.

Ватан учун ўз жонини берган-энг яқин кишиларидан жудо бўл-ганларнинг ҳаммаси билан бирга-бир минут сукут қилиб қаҳрамон-лар хотирасини ҳурматлайлик, ўр-тоқлар.

Ленин ҳалок бўлган қаҳрамон-ларнинг хотираси фақат қайғу ҳис-сидарининга қўзғатиб қолмайди. Қандай ҳалок бўлганлар кўрсат-ган шижоатининг улуғлиги учун-фахрланганидан иборат катта, по-қой ҳислар ҳам ҳамиша ўша қай-ғу ҳислари билан ёни-ён яшайди. Агар ўша кўрбонлар бўлмаганида-эди, галаба бўлмас эди. Халқимиз-фашизмни енгиб, қадам ташлаб-бораётган келажик ҳам бўлмас-эди.

Қаҳрамонлар хотирасига қўй-етган бизнинг ёдгорликларимиз мар-мар, гранит ёки тошдан ясалган-ҳайкаллардангина иборат эмас. Биз қилаётган ишларнинг ўзи энг-яқин ёдгорлиқдир. Ҳалок бўлган-ларнинг шижоати ҳозирги кунда-яшаб турганларнинг зиммасига жу-

да катта масъулият юклайди. Улар эришмоқчи бўлиб, ўз жони-ни фидо қилган ишни охиригача-етказиш — бизнинг муқаддас бур-чимиз.

Ҳозир яшаб турганлар номидан-биз ҳалок бўлганларга мурожа-ат қилиб айтганимиз, биз, Сталин-град қаҳрамонлари тинч ётабдилар,-сизларнинг байроғингизни милли-онлаб қўллар кўтариб олиб, уни-коммунизм сари олга олиб бормо-қ-ди.

Вайроналар ва култепалар ўр-инда энди порлоқ ва қушқор ша-ҳар — дарё бўйидаги кенг кўча-ларга эга бўлган ва кўчалари да-рахтларга тўлган, замонавий за-водлар ва фабрикаларга эга бўл-ган шаҳар қад кўтарди. Ўшан-Болгаданинги ўзи ҳам галабамиз-нинг монументи, тинч меҳнатдаги-галабанинги бунёдкорлиқдаги гала-банинги монументидир. Беш йил-ликларнинг тўнғичи бўлган Волго-град трактор заводи бу ерда қаат-тадан тугилиб, яшамоқда. Уруш-дан кейинги ақолий илмпош — Ленин номиданги Волга-Дон канал-и шу ерда бошланди. Мана шу ер-да, буюк рус дарёси бўйида жаҳон-даги энг катта гидроэлектр стан-циялардан бирининг чироғи ёқил-ди. Шу ерда индустриянинг гитан-ти — Волга химия комбинати иш-га туширилди. Мана бугун, Улуғ-Октябрь ярим асрлик юбилейнинг-арафасида, Волгоград меҳнаткаш-лари ўзларининг фақат жангавар-шижоатлари билангина эмас, шу-билан бирга меҳнатдаги шижоатла-ри билан ҳам фахрланишлари-мумкин.

Қаҳрамонлар эришмоқчи бўлиб-жанг қилган ва жонини берган-мақсад энди рўбига чиқди. Лени-партияси раҳбарлигида совет хал-қи ватанимизни туғлаб, яшаб тур-ган қудратли давлатга айлантир-ди. Совет кишилари социализм-бараётган неъматлардан ҳар кун-бахраманд бўлмоқдалар. Улар-осойишта ишонач вазиятга яшаб-меҳнат қилмоқдалар. Советлар-мамлакати ўзининг 50 йиллигини-экономика ва маданиятининг ривож-лантиришда, халқ турмушининг ях-шилашда, коммунизм куришда-эришилган янги муваффақиятлар-билан кутиб олмақда. Бизнинг-юбилейимиз — социализмнинг-тантасидир, бунёдкорлик меҳнати-нинг байрамидир, озодлик ва ин-сонпарварлик тантанасидир.

Уруш тамом бўлганидан бери-оралдан йигирма икки йил ўтди. «Тинч вақт» деб гапиршига ода-тланди қолди. Ҳаммамизнинг ҳам-истагимиз шунки, бу тинч вақт ик-ки уруш ўртасидаги интервал бў-либ қолмасин дейсиз. Иккинчи жа-ҳон уруши охири жаҳон уруши-бўлиб қолсин, деймиз.

Ленин бунга эришмоқ учун бир-гина истакнинг ўзи камлик қила-ди. Одам ногич бўлиб турганлиги-ни биламиз. АҚШнинг Вьетнамга-қарши жиний уруши давом эт-моқда. Ер курашининг бошқа-жойларида ҳам импералистлар-зўрлик билан ўз ҳукмронликлар-ни ўрнаттишга уриниб, халқларнинг-қонини тўқмоқдалар. Ўзларининг-авантюрист планлари билан ин-сониятни янги жаҳон уруши гир-добига солишга урунаётган телба-лар ҳали ҳам бор. Мана шулар-нинг ҳаммасини унутла олмаймиз-ва унуттишга ҳаққимиз йўқ. Ком-мунист партия, Совет ҳукумати

Волгоград, 15 октябрь.
(ТАСС махусе мухбири).



ВОЛГОГРАД. МАМАЕВ КЎРГАН. Волга жангларига қатнашган қаҳрамонлар хотирасига ўрнатил-ган ёдгорлик — ансамблининг умумий кўриниши. Н. Суровцев фотоси. ТАСС фотохроникаси.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА У Ч РА Ш У В

11 октябрда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев, КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий Бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари М. А. Суслов ва КПСС Марказий Комитетининг секретари Б. Н. Пономаревлардан иборат состав-даги КПСС Марказий Комитетини делегацияси Дания Компартияси-нинг Раис Кнууд Есперсен, Дания Компартияси Марказий Комитетини Сиёсий Бюросининг аъзолари Иб-Нерланд ва Поуль Эмануэль, Да-

ЮБИЛЕЙ ИЛИ ОҚ ОЛТИНИ

ОБЛАСТИМИЗ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЕРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 16 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН

МА Ё Л У М О Т

(Планга нисбатан процент ҳисобда).

Районлар	бир кунда	мавсум бошдан бери	Машина терими	мавсум бошдан бери
ОҚЎРҒОН	—	107.80	—	123.00
АНҒИЙЎЛ	0.07	102.90	0.08	108.38
БЎКА	—	102.26	—	125.82
ЮКОРИ ЧИРЧИК	—	100.22	—	141.20
Ўрта Чирчиқ	0.39	99.54	0.25	123.47
Оржоникидзе	0.39	90.27	0.64	83.00
Бекобод	0.33	71.95	0.29	82.89
Область бўйича:	0.13	98.48	0.10	116.58

Тошкент марказий бўрдоқчи-лик базаси коллективни йил бошида ўз зиммасига юксак мажбурият олиб. Ватанимиз-нинг ярим асрлик юбилейи нишонланганидан йилда давлат-га 6 минг центнер семиз гўшт етказиб беришга аҳд қилган эди. Лафои ҳалол чорвадорлар мажбуриятга яраша зўр гайрат билан меҳнат қилиб келмоқда-лар. Коллектив ўртасида кун-дан-кун авж олаётган социалис-тик мусобақа ажойиб самаралар-берпти, гўшт тайёрлаш юзаси-дан олдинги ойлик планлар ҳа-доним ортиги билан адо этил-моқда.

Марказий база бўрдоқчи-лари ўтган йилда катта муваффа-

ИЛГОРЛАРГА ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон КП Тошкент об-ласт комитети ва област ижроия комитети пахта йиғим-теримини ташкил этиш ва уни давлатга со-сти юзасидан районлар, колхоз-лар ва совхозлар ўртасида олиб-борилётган социалистик мусоба-қанинг октябрь ойи учинчи беш-кунлиги якулиларини қўриб чиқил-ди. Област партия комитети ва област ижроия комитетининг Кўчма қизил байроғи ЮКОРИ Чир-чик районида (район партия коми-тетининг секретари Ладущкин, район ижроия комитетининг ра-ис Икромов, район кишлоқ ҳўна-лиги бошқармасининг бошлиғи Қодиров, район комсомол комите-тининг секретари Ўбайдуллаев, «Узсельхозтехника» район бир-лашмасининг бошқарувчиси Кари-мов ўртоқлар) қолдирилди. Бу район кейинги беш кунликда пахта тайёрлашда 11.07 процент, маши-на теримида 12.74 процент ёши-га эришган ва мавсум бошдан-буйен давлатга пахта сотиш йиллик

„ПОБЕДА“ МАРРАГА ЕТДИ

Фарҳодлар ватани, Сирдарё қир-гоқларидан хушхабар келди. Бек-обод районидаги «Победа» колхоз-иниқ планни шараф билан ба-жарди. Бу колхоз бундан ўч йил-илгари ҳосил еттиштириш жиҳати-дан областдаги қолқ ҳўжаликлар-дан бири эди.

Ҳозирги пайтда «Победа» кол-хозини ўз ер шарафларини ҳисобга-олганда қўнғилгадек ҳосил еттиштирибдилар. Энди бу ерда-гектаридан 25 центнердан ош-и-

риб, 30 центнерга етказиб ҳосил-олаётган эвендор бор. Ана шун-дайлардан бири уста меҳнаткор-Хўшвақт Эгамбердиев. Раҳбарлик қилаётган эвендор. У шу йил-нинг бошларида Октябрьнинг 50 йил-лик шарафига ҳар бир киши-шахсий совга тайёрласин, деган-олижаноб ташаббус кўрсатган эди. Эвендор аъзолари мана бугун ўз-сўзларининг устидан чиқдилар. Юби-лей арафасида зиммага олинган-социалистик мажбуриятларини ба-

СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

СССР Министрлар Совети давомиш кунини 1967 йил 5 ноябрь-ақшанбадан 9 ноябрь пайшанба кунига кўчиришга қарор қилди.

ХУРМАТ ТАХТАСИ

Юбилей йили пахта тайёрлаш планини муддатидан илгари-бажарганликлари учун кўндалар област «ХУРМАТ ТАХТАСИ»га ёзилдилар.

ОҚЎРҒОН РАЙОНИ БЎИЧА

Энгелс номи колхоз (раиси Тожиев, партия ташкилотининг секретари Теи, бош агрономи Ли Ден Су, бош инженер Пак, комсомол ташкилотининг секретари Усенбоев ўртоқлар). Бу колхоз пладан ташқари 100 тонна пахта сотиш мажбуриятини олган.

«Коммунизм» совхоз (директори Обидов, партия ташкилотининг секретари Исломов, ишчилар комитетининг раиси Тоғабоев, бош агрономи Имомов, бош инженер Гареев, ком-сомол ташкилотининг секретари Ҳасанов ўртоқлар). Совхоз-пладан ташқари 800 тонна пахта етказиб бериш мажбуриятини олган.

«Ленин» колхоз (раиси Ризқулов, партия ташкилотининг секретари Усенбоев, бош агрономи Колмонов, бош ин-женер Обидов, комсомол ташкилотининг секретари Абдуқамом-ов ўртоқлар). Колхоз пладан ташқари 350 тонна пахта сотиш мажбуриятини олган.

«Партия XXII съезда» колхоз (раиси Эгамбердиев, партия ташкилотининг секретари Мусақов, бош агрономи Пулатов, бош инженер Эгамқулов, комсомол ташкилотининг секретари Доноев ўртоқлар). Колхоз пладан ташқари 500 тонна пахта-сотиш мажбуриятини олган.

ЯНГИЙЎЛ РАЙОНИ БЎИЧА

«Интернационал» колхоз (раиси Мамаев, партия ташки-лотининг секретари Шукри Ўғли Мухтаров, бош агрономи Миралиев, бош инженер Шек, комсомол ташкилотининг сек-ретари Ўғай ўртоқлар). Колхоз пладан ташқари 300 тонна пахта-сотиш мажбуриятини олган.

«Ленин» колхоз (раиси Толипов, партия ташкилотининг секретари Маслонов, бош агрономи Исоқов, бош инженер Охунов, комсомол ташкилотининг секретари Шоҳиев ўртоқ-лар). Бу колхоз пладан ташқари 460 тонна пахта сотиш маж-буриятини олган.

«Москва» колхоз (раиси Жўраев, партия ташкилотининг секретари Мақсудов, бош агрономи Абдувалиев, бош инженер Жумабаев, комсомол ташкилотининг секретари Бойматов ўртоқ-лар). Бу колхоз пладан ташқари 300 тонна пахта сотиш маж-буриятини олган.

Х. НОСИРОВ.

